



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 8-oktabr. Seshanba 120 (31.710) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Фракция муҳокамаси

”

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонун лойиҳалари қизгин муҳокама этилди.



Жисмоний ва юридик шахслар:
Мурожаат
этиш тартиби
такомиллашмоқда

2



Уй-жой-
коммунал
соҳадаги
масалалар

ЎзХДП ташкилотлари
ва депутатлик
гуруҳларининг
диққат-эътиборида
туриши зарур

2

Қишга тайёргарлик:

Газ таъминоти



3

Республикамызда
олий таълим
муассасала-
рига кириш
имтиҳонлари



адолат тамойиллари
асосида ўтказилаяпти

4

Дзюдо

Ўзбекистон,
Бразилия,
АҚШ

Умумжамоа ҳисобида
ўринлар шундай
тақсимланди

4

Тиббий соҳадаги ислоҳотлар

самаралари

Хукукий эксперимент

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши асосида жорий йилда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида хукукий экспериментдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси 6-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ваколатланган мансабдор шахсларининг чиқишлари ва баёнотлари мазкур органлар фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари сифатида қайд этилган.

Қонун лойиҳасининг 7-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизмати турли жамоат тадбирлари (интервью, матбуот конференцияси, брифинг)ни ташкил этиш, ахборот хабарлари (пресс-релиз, бюллетенлар)ни тарқатиш йўли билан оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолиятини ёритиш бўйича чоралар кўриши белгиланган.

2

ХУКУКИЙ
ЭКСПЕРИМЕНТ



Хукукий эксперимент ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида

www.legalexperiment.uz

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган хукукий эксперимент изчил давом этмоқда. Аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини мазкур жараёндан хабардор қилиб бориш мақсадида www.legalexperiment.uz ташкил этилган. Мазкур сайт орқали бевосита эксперимент субъектларининг раҳбарларига саволлар йўллашингиз, қонун лойиҳаси моддалари бўйича фикр ва таклифлар билдиришингиз, умуман, эксперимент бўйича батафсил ахборот олишингиз мумкин.

Бухорода «Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш — суд ишлари тезкорлигини оширишнинг муҳим омил: хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон судлари фаолиятига

ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш
имконият ва истиқболлари

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) кўмагида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз Олий суди ва Олий ҳужалик суди, умумий юрисдикция судлари судьялари, ҳуқуқшунос олимлар, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари, Малайзия, Жанубий Корея, АҚШ, ГФР, Эстониядан экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хукукий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш борасида ўз йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланганини таъкидлади. Судлар инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ўрин тутмоқда.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

СИЁСИЙ
БИЛИМДОН
ЕТАКЧИЛАР

партиянинг
таянчи ва суянчидир



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Марказий Кенгашида Ахборот-услугият маркази, **14** та минтақавий, **194** та туман ва шаҳар кенгашларида Ахборот-маърифат хоналари ва бурчаклари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларда **200** минг нафардан ортиқ партия аъзоси ва электорат вакиллари ўз билимларини оширди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

ЎзХДП
«Фаол аёллар»
қаноти

ташаббуси билан

Сирдарё вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий партия ташкилотлари раҳбарлари мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир тафсилотлари
газетамизнинг кейинги
сонларидан бирида
эълон қилинади.

Жисмоний ва юридик шахслар:

Мурожаат этиш тартиби такомиллашмоқда



Санжар ШОТЎЛДАНОВ олган суратлар.

Фракция муҳокамаси

Дастлаб «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Фракция аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаат этиш ҳуқуқи амалга ошишини таъминлаш муҳим масала эканини таъкидлашди. Мурожаатни йўллаш ҳамда уни кўриб чиқиш тартиби такомиллаштириш давлат органлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни юксалишида, кучли фуқаролик жамияти қуриши асослари мустаҳкамлашида ўзига хос ўрин тутди.

Мастура Сайфиддинова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозирда давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб

чиқиш тартиби «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгиланган. Бироқ ушбу қонунда юридик шахсларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари қамраб олинмаган.

Юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш шу вақтгача турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда у ёки бу даражада тартибга солинган. Лекин мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат органлари томонидан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини аниқ белгилаш имконини бермайдди. Бу эса давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясида айрим қийинчиликларни

келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ушбу қонун лойиҳаси юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, ушбу соҳадаги қонун бузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига мурожаатларнинг тартибини янада такомиллаштиришда муҳим аҳа-



лиги белгиланган қўйилмоқда.

Умуман, қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, уларни кўриб чиқиш тартибини белгилашга қаратилган билан аҳамиятли. Бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллаш бўйича ягона амалиёт жорий қилиниши имконини беради.

Улғабек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш қафолатлари ва амалий механизмларини такомиллаштириб бориш бўйича ЎзХДП дастурида белгиланган вазифалар самарали ҳал этилишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда ижтимоий масалаларнинг самарали ҳал этилишига ҳам хизмат қилади. Бу эса бевосита ЎзХДП электорати манфаатларига мос тушади.

Фракциямиз жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий асос яратилиши, хусусан, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби, бу борада масъулият ва жавобгарлик оширилиши, қонун лойиҳасида меъёрлар аниқ белгиланиши тарафдори. Экспертлар иштирокида қонун лойиҳасини батафсил таҳлил қилганимизда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг нукта-назари шакллантирилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Ўзбекистон овози
мухбири.

Тиббий соҳадаги
ислохотлар

самаралари

Ҳуқуқий эксперимент

Эксперимент субъектларидан бири — Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қонун лойиҳасининг мазкур талабларидан келиб чиқиб, матбуот анжумани ташкил этди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда бошқарма раҳбар ва масъул ходимлари вилоятда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига қишлоқ врачлик пунктлари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг аҳоли тўғрисида маълумот берди.

— Давлатимиз раҳбарининг аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга оид бир қатор фармон ва қарорлари асосида кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, — дейди Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гўлнора Элпазарова. — Виллоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги туғруқ мажмуалари бугунги кун талаблари даражасида таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Вилоят перинатал, она ва бола саломатлиги марказларида хотин-қизларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб туғилишини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилди. Йил

давомида барча ҳудудларда саломатлик ҳафталиклари ташкил этилиб, малакали мутахассислар жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда аҳоли, хусусан, ўсмир қизлар ва фертил ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Бундай чоратadbirlar туфайли ногирон ва туғма нуқсонли болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлими, гўдакларда учрайдиган касалликлар кескин камайди.

Жорий йилда инвестиция дастури асосида виллоятнинг етти туманидаги тиббиёт бирлашмаси ҳамда Самарқанд шаҳар юрмули касалликлар шифохонаси ва Самарқанд тиббиёт институти клиникасида реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Ўттиздан зиёд қишлоқ врачлик пунктда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Саломатлик-2» ва «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида виллоятга келтирилаётган тиббий анжомлар қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги поликлиникаларга тарқатилмоқда. Бу аҳолига берадиган тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини оширишда муҳим омил бўлаётган.

Матбуот анжумани давомида бошқарма мутасадди-лари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Ғ.ҲАШИМОВ,
ЎзА мухбири.

Мукофот бу —
аввало масъулият

Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг фармонида кўра, «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» муносабати билан бир гуруҳ соҳа фидойилари мукофотланди. Улар орасида ЎзХДП фаоллари кўпчиликти ташкил этади.

Гавҳар МИРВАЛИЕВА,

Тошкент шаҳридаги 2-сонли «Муруват» ногирон болалар интернат уйи тарбиячиси, ЎзХДП фаоли, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:

— Ушбу интернатда 20 йилдан буюн ишлайман. Бу ердаги болалар ўз фарзандимдек бўлиб қолган. Бугунги кунда муассасамиздаги 400 дан ортқ ўқувчиларга 40 нафарга яқин ходим таълим-тарбия беради. Мен гуруҳимдаги болаларда атрофдагилар билан муомала қилиш, ўз ўзига хизмат кўрсатиш, уларни оилага тайёрлаш билан боғлиқ жиҳатларни шакллантиришга ҳаракат қиламан.

Яқинда муассасамиз қайтадан реконструкция қилин-

ди. Синфхоналар замонавий технологиялар билан жиҳозланди, компьютер хонаси, касбга йўналтириш тўғрисидаги таълим маркази, бундан ташқари спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари фойдаланишга топширилди. Шу боис бизда болаларнинг нафақат тарбияланади, балки соғлигини тиклаш учун ҳам барча имкониятлар яратилган.

Жисмоний имконияти чекланган болалар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашиш биз тарбиячилардан жиддий масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам доимо изланишимиз, ўз касбимизга садоқат билан меҳнат қилишимиз лозим, деб ўйлайман.

Каримжон МУРОДОВ,

Чортоқ педагогика касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, ЎзХДП фаоли, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади, аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, таълим соҳасида ҳам ўқитувчи шахси, унинг меҳнати ва истеъдоди муносиб баҳоланаётганини, кадрланаётганини ўзимиз ва касбдошларимиз ҳаётида кўриб туришимиз.

Наманган давлат педагогика институтини тамомлагач, дастлаб мактаб-интернатда иш бошладим. Ўн икки йилдан буюн Чортоқ педагогика касб-хунар коллежида физика фанидан дарс бераман. Шу билан бирга, «Касб-хунар колледжларида физика фани

ўқитиш методикаси, интеграцион дарсларнинг аҳамияти» мавзусида илмий тадқиқот олиб бораётиман.

2007 йилда «Шухрат» медали билан тақдирландим. Яқинда «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» арасида эса яна бир юксак мукофот «Меҳнат шухрати» орденига муносиб қўрилганим, оила аъзоларимга, жамоадошларимга катта қувонч бағишладим. Мукофот бу — аввало масъулият дегани. Шу боис мутахассислигим бўйича янада кўпроқ билимларни эгаллаб, энг сўнгги коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтишга ҳаракат қиламан.

Президентимиз томонидан ўқитувчилар меҳнати юқори баҳоланаётгани, таълим соҳасига берилаётган юксак эътибор бизга янги куч-қувват бағишлайди.

Уй-жой-коммунал соҳадаги масалалар

ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг диққат-эътиборида туриши зарур

ЎзХДП Сайловолди дастури ижроси

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан шу мавзуга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда иштирок этган партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари таъкидлаганидек, қишлоқларда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, коммунал соҳада учраётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш борасида барча партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари изчил фаолият олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, партия Сайловолди дастурида бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар қилинди. Масалан, Самарқанд, Сирдарё ва бошқа ҳудудларда аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар масъулиятини ошириш юзасидан таъсирчан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида виллоят партия кен-

гашларининг Ҳаракат дастурлари қабул қилинди. Мазкур дастурлар бажарилишига эришиш уй-жой-коммунал соҳада учраётган муаммолар ечимига хизмат қилади.

Тадбирда **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов** мавзунинг аҳамияти, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни мустаҳкамланиб боргани сари масъулият ҳам ошади, ҳар бир соҳада иш-

тироки, таъсири кенгайиб боради, — деди у. — Шу маънода партиямиз электорат манфаатларига хизмат қилади-ган ташаббуслар билан чиқиши долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, уй-жой-коммунал соҳада бевосита аҳоли, электорат манфаатларига доир масалалар кўп.

Ўтган 9 ой мобайнида ҳудудларда соҳага оид 30 га яқин масала ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганилди.

Жойларда уй-жой-коммунал ҳўжалигида кузатилаётган камчиликларни бартараф этишда ташаббускорлик, талабчанлик муҳим ўрин тутди. Шунинг учун барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари бу йўналишда янада жиддий ишлаш, хусусан, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ҳал этишга эътиборни кучайтириши керак. Бу борада амалга оширилган ишларни атрофдаги таҳлил қилиб бориш, соҳада қабул қилинган қарорлар ва дастурлар ижросини чуқур ўрганиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш бўйича депутатлик гуруҳлари ваколат доирасида фаолият юритиш мақсадга мувофиқ.

Уй-жой-коммунал соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, бу борада қонун ижодкорлигининг айрим масалалари хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқулов сўз юритди.

— Коммунал хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши, аввало, аҳолининг турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади, — деди у. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси коммунал соҳада рақобат мўҳитини яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, аҳолининг

ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмига коммунал хизматлар кўрсатиш янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор беради.

Коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, соҳадаги муносабатлар қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, Шаҳарсозлик кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Электр энергияси тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Чикиндилар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Демак, мазкур қонунлар ижроси бўйича депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.


Бунинг учун аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, жойларда бу борадаги муаммолар, кишиларни ўйлантираётган масалалардан хабардор бўлиш керак. Шунингдек, депутатлик бирлашмалари масалаларни назорат-таҳлил тартибда ўрганиши, бу жараёнда тегишли қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ, албатта. Бу уй-жой-коммунал соҳадаги масалаларни тўғри таҳлил қилишга, депутатлик сўровлари изчилигини оширишга, таъсирчан тақлифлар ишлаб чиқишга асос бўлади.

Коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳоли мурожаатларини ҳал этиш борасида **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимқулов тўхтади.**

— Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳимиз томонидан уй-жой-коммунал соҳада учраётган айрим муам-

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Республикамызда 13 210 км газ қувурларида босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари амалга оширилди. 6 449,8 км ер ости газ қувурларининг ҳолати текширилди ва 1 309,7 км газ қувурларида бўёқлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.



Қишга тайёргарлик:

Газ таъминоти

Кузнинг илқ кунлари ҳадемай ортда қолиб, қиш бошланади. Қишга тайёргарлик ишлари, хусусан, газ таъминоти билан боғлиқ масалалар кўпчиликини қизиқтириши табиий.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Фатхулло АХМЕДЖОНОВ билан суҳбатимиз бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

Долзарб мавзу

— Президентимизнинг жорий йил 5 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш тўғрисида»ги қарориди белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг 2013 йил 14 июлдаги буйруғи ҳамда комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди у.

— Аввало, қилинган баъзи ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтсам, 100,6 км газ қувурлари мукамал таъмирланди, 89,2 км газ қувурларида реконструкция ишлари амалга оширилди. 92882 та газ тақсимлаш шахобчалари тафтишдан ўтказилди, 154 таси мукамал таъмирланди.

Шунингдек, 13 210 км газ

қувурларида босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари амалга оширилди. 6 449,8 км ер ости газ қувурларининг ҳолати текширилди ва 1 309,7 км газ қувурларида бўёқлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

— Қиш мавсумида айрим жойларда газ босими тушиб кетиши ҳоллари учраб туради. Бунинг асосий сабаблари нимада? Мазкур муаммонинг олдини олиш учун қандай амалий тадбирлар белгиланган?

— Кейинги йилларда республикамызда ҳудудларидаги табиий газ истеъмолчилари сонининг кўпайганига ҳамда аксарият табиий газ истеъмолчилари ностандарт газ ускуналаридан фойдаланишлари оқибатида газ қувурла-

рининг охириги нуқталарида жойлашган истеъмолчиларга етказиб берилаётган табиий газ босими тушиб кетиш ҳолатлари учраб туради.

Бундан ташқари, вилоятлардаги марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминлашни белгиланган бир қанча кўп қаватли уйдаги хонадоннинг иссиқлик таъминоти роқисизлиги сабабли хонадонларни иситиш, ювиниш, кир ювиш учун қўшимча равишда, яъни режалаштирилмаган ҳажмлардаги табиий газнинг сарфланиши ҳам қиш мавсумида табиий газ таъминотида босимларнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида компаниямиз томонидан 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида тасдиқланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда табиий газ етиб бормаيدиган ҳудудлардаги аҳоли хонадонларида кафолатланган иссиқлик таъминоти ташкил этиш учун кўмир ёқилгиси ҳамда оқсўлат тийёрлаш учун узлуксиз суялтирилган газ билан таъминлаш белгиланган. Бугунги кунда бу борадаги ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

— Газ ҳақини ўз вақтида тўламаётган истеъмолчилар, яъни муайян шахс ёки ташкилотдан қарз ундириш, шу билан бирга ноқонуний тарзда газдан фойдаланиш ҳолларига чек қўйиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Сарф этилган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламаётган истеъмолчилардан (аҳоли ва улгуржи) мавжуд қарздорликни ундириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги қарори ҳамда истеъмолчилар билан ўзаро тузилган шартноманинг тегишли бандлари асосида амалга оширилади. Фойдаланилган табиий газ учун тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган истеъмолчилардан қарздорлик бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартиб асосида ҳўжалик ва фуқаролик судларига тақдим этилмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, жами 219,8 миллиард сўмлик қарздорликни ундириш мақсадида 300 318 та аҳоли истеъмолчилари бўйича ҳужжатлар фуқаролик судларига тақдим этилди. Шундан 170,3 миллиард сўмлик 250548 та аҳоли истеъмолчилари бўйича суд қарорлари чиқарилиди ва улардан 60,6 миллиард сўм қарздорлик ундирилди.

Улгуржи истеъмолчилар бўйича 986 та ҳолатда жами 77,4 миллиард сўмлик қарздорликни ундириш мақсадида ҳужжатлар ҳўжалик судларига тақдим этилган эди. 695 та улгуржи истеъмолчилар бўйича 52,0 миллиард сўмлик суд қарорлари чиқарилиди. Улардан 3,0 миллиард сўм қарздорлик ундириб олинди. Шу ўринда истеъмол қилинган газ учун ҳақини ўз вақтида тўлаш, аввало, истеъмолчилик маданияти, қолаверса, фуқаролик бурч эканлигини таъкидламоқчиман. Уни тўламаслик эса бировнинг ҳақидан кўркмаслик билан баробар. Қолаверса, бу таъминот жойларга етарли босимда етиб бормаслигига ҳам таъсир ўтказиши.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида газ тармоқларига ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда уланган 2358 та ҳолат аниқланиб, 3,7 миллиард сўмлик келтирилган зарарни ундириш мақсадида ҳўжатлар ҳўқуқчи муҳофаза қилиш органлари-

га топширилди.

— Газ ўтмаган ёки бориши қийин ҳудудлардаги аҳолини баллонли газ билан таъминлаш, уларга узлуксиз газ баллонлари етказиб бериш масаласи бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарориди белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан табиий газ ўтказилмаган ҳамда табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудлар рўйхати тасдиқланган.

Ушбу рўйхатга асосан ҳудудлардаги аҳоли хонадонларини қиш мавсумидан талофатсиз олиб чиқиш мақсадида ёз фаслининг июль ойидан бошлаб қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари билан биргаликда аҳоли ўртасида қўшимча ёқилғи турларидан (кўмир, ўтин, суялтирилган газ ва ҳ.к.) фойдаланишлари тўғрисида огоҳлантириш ишлари олиб борилди.

Табиий газ таъминотидаги муаммолар ҳудудлардаги аҳоли хонадонларига оқват тайёрлашга 140 118 тонна суялтирилган газ ҳажмларини етказиб бериш учун компания тасарруфидидаги газ таъминоти корхоналари томонидан жорий йил охирига қадар 510 000 донна айланма маиший газ баллонларини етказиб бериш ҳамда 130 донна Isuzu русумли махсус транспортлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар ушбу ҳудудлардаги аҳоли хонадонларига вақтинчалик фойдаланишга шартнома асосида 170 813 та суялтирилган газ баллонлари ҳамда газ таъминоти корхоналарига эса 63 донна Isuzu русумли махсус автомашиналар етказилди.

Аҳолини узлуксиз суялтирилган газ билан таъминлаш учун 26 донна сервис марказларини қуриш режалаштирилган. Шундан бугунги кунда 14 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қолган сервис марказларида ҳам қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Амалга оширилаётган бу ишлар қиш фаслида аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш, қишнинг совуқ кунларини муамоларсиз ўтказишга қаратилгандир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ҳудойқулов
суҳбатлашди.

Ўйинчоқ қуроллар



Тақиқланди

Бразилия пойтахти бўйиш Бразилия шаҳрини ўз тасарруфига олувчи Бразилия федерал округида ўйинчоқ қуроллар савдоси тақиқланди, дея хабар беради «France-Presse» ахборот агентлиги.

Федерал округдаги барча дўконлар зиммасига ўзларида мавжуд ўйинчоқ қуроллар захирасини 4 ой давомида йўқ қилиш мажбурияти юкланди. Кимки бу мажбуриятни ўз вақтида бажарса, унга маъмурият томонидан иқтисодий қўмак ажратилади.

Хизмат кийимида



Чекиш мумкин эмас

Беларусь Ички ишлар вазирлиги «Ички ишлар органлари ходимлари орасида ва ички қўшин шахсий таркибиди соғлом турмуш тарзини омдалаштириш тўғрисида» буйруқ эълон қилди. Унинг алоҳида ҳиҷати шундаки, эндиликда милиция ходими ёки ички қўшин аскари хизмат кийимида юрган пайтда сигарет чекиши қатъий тақиқланди.

Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар беришича, дейилди интернет хабариди, ҳўқуқчи муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ёмон



Округ маъмурияти бу тақиқлов чораси орқали қуролли жиноятлар содир этилишини камайтиришга эришмоқчи мақсад қилган. Округнинг адлия ва инсон ҳўқуқлари департаменти бошлиғи Алириу Нетунинг айтишича, зўравонликка асосланган дунёқарашга қарши фикрни болалиқдан синдириб бериш лозим. Қурол ўйинчоқ эмаслигини болалиқдан тушунириб бормоқ уларда ҳаётга бўлган қарашларни ўзгартиради.

Шу боис ҳам эндиликда ўйинчоқ қуроллар ўрнига болаларга китоблар бериш, уларда китоб ўқиш маданиятини юксалтириш ва қизиқшларини орттириш тақлифи ўртага ташланди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, икки юз миллионга ақин аҳолига эга Бразилияда ўтган йили 43 мингта қотиллик жинояти қайд қилинган. Уларнинг 73 фоизи ўқ отар қуроллар билан содир этилган.

одатларига қарши кураш чораси мазкур ҳўжатда янада кенгроқ ва батафсил баён этилди. Унга кўра, ички ишлар бўлими маъмурий бинолари, ички қўшин шахсий таркиби жойлашган ҳудудлар ҳам сигарет чекиш тақиқланган ҳудудлар рўйхатига киритилди.

Чекувчилар эса энди бу ҳудудлардан ташқарига чиқибна чекишлари мумкин. Кимки бу тартибни бузса, интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўтган йил якунидаги маълумотларга кўра, республикада аҳолининг 30,5 фоизи сигарет чекиши аниқланган (уларнинг 46,8 фоизи эркаклар, 16 фоизи аёллардир).

Соғлиқни сақлаш вазирлиги сигарет чекиш тақиқланган жамоат жойлари рўйхатини янада кенгайтириш тақлифи билан чиқди. Бу борадаги тегишли қонун лойиҳаси 2014 йили парламент томонидан қўриб чиқилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон судлари фаолиятига

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш имконият ва истиқболлари

Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қилаётгани ҳам суд-ҳўқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ошаётганидан далолат беради. Бу жараёнда замон талабларига мос суд-ҳўқуқ амалиётида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолияти эътиборга лойиқдир. Унинг расмий сайтида ҳўжатларни қабул қилиш, суд ишлари иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга электрон шаклдаги суд ҳўжатларини юбориш имконини берадиган «Электрон қабулхона» очилган.

Экспертларнинг фикрича, одил судловнинг очиқ-ошкоралиги ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш электрон судлов тизимини жорий қилишнинг асосий самарасидир. Бу принципларни ҳаётга татбиқ этиш суд ахборотидан фойдаланиш ҳўқуқини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борадаги жамоатчилик фикри, шубҳасиз, судлар иши самарадорлигини, суд тизими ходимлари масъулиятини оширади, суд ҳокимияти нуфузининг юксалишига хизмат қилади.

— Суд жараёнларини бошқариш бўйича ишончли электрон тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш самарали, замонавий ҳамда ҳисоб берувчи суд тизимини шакллантиришда муҳим технологик асос бўлиб хизмат қилади, — деди Массачусетс штати олий суди судьяси Роберт Корди (АҚШ). — Бу судьялар, ҳўқуқчи муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва суд иши томонлари зиммасидаги юкни енгиллаштиришга ёрдам беради. Шунини мамнуният билан таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда суднинг барча босқичлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Семинар қатнашчилари судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича миллий ва халқаро тажрибани кенг муҳокама этиб, Ўзбекистонда суд ишини юриштиш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар нафақат судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши, балки, энг муҳими — ишларни судда ошқор қўриб чиқиш принципини, ахборот очиқлиги, одил судловдан фойдаланиш ва унинг ошқоралигини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА Мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ДТ «ХАЛҚ БАНКИ» ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БАХМАЛ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

№	Объект номи	Бошланғич қиймат, млн сўм	
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан
1.	«Жиззах вилояти, Бахмал тумани, «Ўсма» шаҳарчаси, Х.Олимжон кўчасидаги ДТ «Халқ банки» Бахмал тумани филиали биносини реконструкция қилиш»	761,846 сўм	914,216 сўм

Ишларни тугаллаш муддати: 2014 йил 1 майгача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Ўсма шаҳарчаси, Х.Олимжон кўчаси.

Телефон: (8372) 941-70-33.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридидаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳўқуқий лаёҳат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх префе-

ренциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳўжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдослари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳўжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шўҳ кўчаси, 64-уй, кичик мажлислар зали.



парвозга тайёрланмоқда

АҚШ ҳўкумати томонидан ажратилган грант маблағи ҳисобида яратилаётган ҳаво кемасининг янги тури шу кунларда парвозга шайланмоқда. Замонавий дирижаблнинг муҳандис-конструкторлари алоҳида таъкидлашмоқдаки, бу ҳаво кемасида юк ташиш самолётдан кўра арзон, денгиз йўлидан кўра тездир.

Сиқилган гелий тўлдирилган ва умуман замонавий технология асосида яратилган бу дирижаблни бошқариш қийин эмас. У

Африка остида



магма денгизи қутурмоқда

Эдинбург университети геофизиклари Эфиопия остида табиат силари яширинганини аниқладилар.

Улкан ер қобиғи синикари — Нубий ва Сомали плиталари туташган жойда Афар ёриқлари вужудга келган ва бу ёриқлар ўта чуқурдир.

Дастлаб уни олимлар Африка қитъасида янги океан бассейни вужудга келмоқда, деб ўйлашганди. Аммо қайта ўрганишгач, бошқача фикрга келишди. Яъни, плиталар

туташган жойдаги ёриқлар тубида 500 куб километр майдонга эга қайноқ магма борлиги аниқланди.

— Биз бундай ҳавфга дуч келамиз, деб ўйламагандик, — дейди тадқиқотчилардан бири Кэти Уэйлер. — Бу магма ухлаб ётган улкан вулкон остида пайдо бўлган. Унинг ҳавфлиги шундаки, магма доимо юқорига интилади.

Магманинг қачон отилиб чиқиши эса ҳозирча номаълум. У учта техник плиталар туташган жойда ийрилмоқда ва 35 километр чуқурликка оқмоқда. Ҳозир магма «денгизининг» айланаси 30 километрга етган.

Олимлар ҳулосалари «Nature» журналичада чоп этилди. Унда қайд этилишича, Эфиопия магмаси одатдаги магмалардан 100 даража иссиқлиги билан ажралиб туради.

Республикамизда олий таълим
муассасаларига кириш имтиҳонлари

Миллий матбуот марказида

адолат
тамойиллари
асосида
ўтказилаяпти

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш бўйича эксперт комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларига 2013-2014 ўқув йили учун ўтказилган тест натижалари якунлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— 2013-2014 ўқув йили учун тест саволларини тузишга экспертлар гуруҳини жалб этдик, — дейди **Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов**. — Гуруҳ халқ таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи ўқитувчилардан тузилди. Улар бизга 150 000 дан ортиқ тест саволлари тайёрлашда ёрдам беришди. Олдинги йилларда тест саволларидан қайта

фойдаланиларди. Бу йил эса тест базамиз бутунлай янгиланди. Шунингдек, абитуриентларнинг мантаний фикрлаш қобилиятини текширувчи саволлар ҳам киритилгани ўзига хос янгилик бўлди.

2013 йилда абитуриентлар сони ўтган йилга нисбатан 50 000 тага кўпроқ бўлди. Бу йил 1 август куни абитуриентлар учун 14 300 дан зиёд аудитория ташкил этилган бўлса, уларнинг ҳар бирида 2-3 нафар аудитория раҳбари ва кузатувчи бўлди. Махсус синовлардан ўтган раҳбар ва кузатувчилар турли таълим муассасаларидан жалб

қилинди. Саволларни жойларга етказиш, синовлар якунлангач, тест марказига олиб келишда махфийлик таъминланди...

Маълумотларга кўра, 2013-2014 ўқув йили учун тасдиқланган қабул квотасига мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича кундузги бўлимларга умумий 56 607 нафар, махсус сиртки бўлимларга эса 115 нафар талаба қабул қилиниши белгиланган. Бу йил олий таълим муассасаларига кириш учун 480407 нафар абитуриент ариза топширган бўлиб, республика бўйича бир ўринга ўртача танлов 8,5 нафарни ташкил қилди. Ушбу рақамни олдинги йиллар билан солиштирсак, 2005 йилда бир ўринга 4,7 нафар, 2006 йилда 5,4 нафар ва 2012 йилда 7,6 нафар абитуриент тўғри келган. Олий таълим муассасалари кесимида энг кўп танлов Термиз давлат университетида қайд этилди.

Бу ерда бир ўринга 14,99 нафар абитуриент тўғри келди. Гулистон давлат университетида 14,63, Қарши давлат университетида 14,22, Андижон давлат университетида 13,80, Фарғона давлат университетида эса бу кўрсаткич 13,41 бўлди.

— 2013 йилдан Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳар бир йўналиш бўйича тест синовларига тўртинчи фан сифатида инглиз тили блоки киритилди, —

дейди Баҳром Исмоилов. — Илгари саволлар математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан бўлар эди. Президентимизнинг чет тилларини ўрганишни кучайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Давлат тест маркази ТАТУ учун махсус тест саволлари тайёрлаб берди. Якунланган синовлар натижасига қарайдиган бўлсак, бу йил инглиз тили ва бошқа чет тилларидаги тест саволларининг жавоби тўғри топилиши даражаси 11 фоизга ошди.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшовчи, чет тиллари йўналишида ўқиш истагида бўлган, аммо ўқишга қиролмаган абитуриентларга имтиёзлар бериш масаласи ҳам кўрилмоқда. Бунинг учун махсус комиссия тузилган. Халқ таълими тизими, ўрта махсус касб-хунар марказлари айнан қайси ҳудудларда чет тили бўйича ўқитувчилар етишмаслиги ҳақида маълумот берган. Бу маълумотлар асосида ўша ҳудуддан ҳужжат топшириб, ўқишга қиролмаган абитуриентлар олий таълим муассасаларига қабул қилинади.


— Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)

тартиби тўғрисида низоми» асосида тартибга солинади, — дейди **Давлат тест маркази ахборот гуруҳи аъзоси Абдуваҳоб Хайитов**. — Мазкур низоми талаблари асосида Давлат тест маркази 5 та — ҳуқуқшунослик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, иқтисодиёт, ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари соҳалари бўйича малакали мутахассислардан иборат эксперт комиссияси тузилган. Ушбу комиссия таркиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорлар билан тасдиқланган. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш бўйича шу кунга қадар 23158 нафар фуқародан мурожаат келиб тушган. Уларнинг таълим ҳужжатлари белгиланган тартибда қабул қилиниб, эксперт комиссиялари томонидан кўриб чиқилган ва тегишли хулосалар қабул қилинган.

Юртимизда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини тест тизимида ўтказиш орқали синовларнинг адолат тамойиллари асосида бўлишига эришилди. Сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланиётган ахборот технологиялари имкониятидан Давлат тест маркази ҳам самарали фойдаланмоқда. Эндиликда абитуриентлар ўз натижаларини www.dtm.uz сайти ва мобиль алоқа компанияларининг SMS хизмати орқали билишлари мумкин.

Матбуот анжумани давомида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Темур АБЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бу йил олий таълим муассасаларига кириш учун 480407 нафар абитуриент ариза топширган бўлиб, республика бўйича бир ўринга ўртача танлов 8,5 нафарни ташкил қилди. Ушбу рақамни олдинги йиллар билан солиштирсак, 2005 йилда бир ўринга 4,7 нафар, 2006 йилда 5,4 нафар ва 2012 йилда 7,6 нафар абитуриент тўғри келган.

Ўзбекистон, Бразилия, АҚШ

Умумжамоа ҳисобида ўринлар шундай тақсимланди



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро ҳамюртларимиз 5 та олтин, 3 кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритишди.

Уч кун давом этган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирма бир мамлакатидан келган 154 нафар спортчи ғолиблик учун татамига чиқди. Унда эркаклар ва аёллар етти-тадан вазн тоифасида ҳам ўн беш комплект медаллар учун беллашдилар.

— Гран-при туркумига кирувчи ушбу мусобақа ҳар йили жа-

хоннинг ўн та давлатида ўтказилади, — дейди Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) етакчи мутахассиси Носир Ал-Тамий. — Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақани ўтказишга даъвогар мамлакатлар талайгина эди. Аммо улар орасидан Ўзбекистонни танлаганимиз бежиз эмас. Бу ердаги тинчлик ва осейишталлик, йирик халқаро турнирларни ўтказиш борасида орттирилган бой тажриба, яратилган қулай шарт-шароитлар бунга асос бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Қолаверса, Ўзбекистонлик дзюдочиларнинг Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида эришган ютуқлари барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Дарҳақиқат, Тошкентда ўтказилган Гран-при халқаро турнирида 2016 йил Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг йўланмалари учун рейтинг очколар ҳам ўйналди. Ҳар

бир вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаган спортчида 300, кумуш медал совриндорига 180, бронза медали соҳибларига эса 120 тадан рейтинг очколари берилди.

Мусобақанинг мамлакатимизда ташкил этилиши эса Ватанимиз спортчиларининг тўртта таркибда қатнашишларини таъминлаб берди. Жумладан, беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси шарофтини ҳам қирқ тўққиз нафар дзюдочи ҳимоя қилди. Беллашувлар якунида

умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз бешта олтин, учта кумуш ҳамда бешта бронза медалига сазовор бўлиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Халқаро турнирда ўз вазн тоифаларида полвонларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг), Мирзохид Фармонов (66 кг), Мирали Шарипов (73 кг), Шерали Жўраев (90 кг), Сойиб Курбанов (100 кг)лар олтин, Эркин Дониёров (90 кг), Рамзидин Саидов (100 кг), Болтабой Болтаев (+100 кг)лар кумуш, Нодира Гулова (48 кг), Гулноза Матнбозова (70 кг), Сенайим Эркинбоева (+78 кг), Яхё Имомов (81 кг), Дилшод Чориев (90 кг)лар бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

Кейинги фахрли иккинчи ва учинчи поғоналардан Бразилия (3 олтин, 2 кумуш, 3 бронза) ва АҚШ дзюдочилари (1 олтин, 3 кумуш) жой олди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёти ойдin маҳалла

Обод манзиллар

Маҳалла гузарига буриларкансиз, кўзингиз турнактор бежирим уйлارга тушади. Равон йўлаклар, кўчалар четларига 600 тупдан зиёд арча, 3000 тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилган.

Пештоқига «Иссиқ нон» деб ёзилган бинога кирдик. Ёқимли ҳид димоққа урилади. Германиядан келтирилган нон тайёрлаш ускуналари ўрнатилган корхонада ҳар куни 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

— Нон цехи очилиши ҳисобига 12 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Уларнинг маоши юқори, дам олишлари учун керакли шарт-шароит яратилган, — дейди 26-«Кўпчилик» сарлов округидан Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашига сайланган депутат, ЎзАХДП фаоли Саломат Ибодуллаева.

«Дилноза Ибодуллаева» хусусий корхонасининг тикувчилик цехида чеварларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар тайёрлаган эркаклар костюмлари хорижликдан асло қолишмайди.

— Тикув машиналаримиз 6 та, ишчиларимиз 7 нафар, — дейди иш юритувчи Жавлон Нурметов. — Уларнинг 4 нафари енгил саноат касб-хунар коллежи битирувчилари. Цехимизда дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари замон талабларига жавоб берадиган даражада.

Гузардаги супермаркет, маиший техникалар дўкони, мини банк, интернет кафе, уяли телефон ва маиший техникаларни тузатиш устандаларини кўриб, ўзингизни худди шаҳардагидек ҳис этасиз. Замонавий гузал-

лик салони, дорихона, тиббиёт масканлари, спорт ва болалар ўйин майдончалари эса ҳайратингизни янада оширади.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси кўркамликда бошқалардан ҳеч ҳам қолишмайди. Мажлислар зали, профилактика нозир, маслаҳатчи ва посбонлар сардори хоналари мебель ва ортехника билан тўлиқ жиҳозланган.

Бир вақтлар ташландиқ бўлган бу ерларда шундай митти шаҳарча, кўркам бинолар қурилади дейилса, ҳеч ким ишонмас эди. Буни қарангки, бу ерда 2011 йилда 20 та, 2012 йилда 28 та, жорий йилда 20 та уй-жой қад ростлади. Келаси йили намунали уй лойиҳалари асосида яна 19 та ана шундай уй-жой қурилиши мўлжалланган. Бундай бунёдкорликлар Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилмоқда.

Янги масканда ичимлик суви таъминоти тўла ҳал этилган. Электр энергияси, табиий газ масалаларида муаммо йўқ.

«Ойдин ҳаёт»даги ободлик, тараққиёт мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларнинг бир қурилиши, холос. Бундай обод манзиллар, бунёдкорликлар ҳар куни, ҳар қадамда амалга оширилмоқда. Улар аҳолининг ҳаёти ойдin ва фаровон бўлишига хизмат қилаётир.

Рўзминбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrah HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoahtchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandashlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10422

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22.35

Topshirilgan vaqti — 23.30

Navbatchi:

Abdusallim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 5

1 2 3 5

1 2 3 5

1 2 3 5

1 2 3 5

1 2 3 5

1 2 3 5